



NAVOIY VILOYATI ZARAFSHON SHAHAR HOKIMINING QARORI

210300, Zarafshon sh., Marvarid ko'chasi 1

2021 йил «1» август

48-5-78-Q/21

Зарафшон шаҳар ҳокимлиги

Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-5177-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 20-5-0-Q/21-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6257-сон Фармонида мувофиқ ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиш мақсадида

Қ А Р О Р К И Л А М А Н:

1. Навоий вилояти ҳокимининг 2021 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПК-5177-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 20-5-0-Q/21-сон Қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан қуйидагилар:

- 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда (кейинги ўринларда - давлат органлари ва ташкилотлари) ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилганлиги;

- 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши;

- коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини қўриш учун масъул ҳисобланиши;

- коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан биргаликда ўтказиладиган очик танлов асосида ишга қабул қилиниши, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиши;

- 2021 йил 1 августдан бошлаб давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказиладиган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очик эълон қилиш амалиёти жорий этилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Р.Ражабов)га 2021 йил 1 октябрга қадар шаҳар ҳокимлиги тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси фаолияти йўлга қўйилишини ва унга Агентлик билан келишилган ҳолда раҳбар тайинланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш топширилсин.

4. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ш.Абдурасулов) қурилиш соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори билан жорий этилган "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг фаолияти ва амалда қурилиш соҳасида киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисида қурилиш ва лойиҳа ташкилотлари ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини ва тарғибот тадбирларини олиб бorsин.

5. Зарафшон шаҳар прокуратураси (Ш.Ҳайдаров), Давлат хавфсизлик хизмати шаҳар бўлими бошлиғи (В.Аралов), шаҳар ички ишлар бошқармаси (Ф.Эргашев), шаҳар адлия бўлими (О.Султонов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ижросини самарали ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан шаҳар ҳокимига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб бorsин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган "Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури"да белгиланган тадбирлар ижроси бўйича шаҳардаги корхона ва ташкилот раҳбарлари белгиланган муддатларда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида шаҳар ҳокимига ахборот киритиб бorsин.

7. Ушбу қарор ижросини муҳокама қилиб бориш шаҳар ҳокимининг барча ўринбосарлари зиммасига юклансин.

Шаҳар ҳокими



А.Раджабов